

ПАХТАКОРЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги
Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ПАХТА ХОМ АШЕ ВА ПАХТА ТОЛАСИ ХАРИД
ҲАМДА УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ
ТЎҒРИСИДА

Пахтачиликнинг иқтисодий самардорлигини ошириш, шунингдек қолхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техника ресурсларини сотиб олишга сарфлаган харажатларини қисман қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1991 йил ҳосилдан олинган пахта хом ашёси харида нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини I ва II-қўраларга кўра хиллари ва навларига қараб ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг биринчи бандига мувофиқ янги харида ва улгуржи нархлар нархномаларини чиқарсин ва уни манфаатдор ташкилотларга etkazсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва «Пахта саноати» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда лизинг, мағазис чегит ва пахта тозалаш саноатининг бошқа иккиламчи маҳсулотлари улгуржи нархлари даражасини қайтадан кўриб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 26 сентябрь.

1-ИЛОВА

ПАХТА ХОМ АШЕСИНИНГ ДАВЛАТ
ХАРИД НАРХЛАРИ

I тоннаси учун сўм ҳисобида

Пахта толаси хиллари	Пахта хом ашёсининг саноат навлари:			
	I	II	III	IV
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ				
1-хили	4200	3700	1900	660
2-хили	3750	3400	1900	660
3-хили	3450	3060	1900	660
УРТА ТОЛАЛИ				
4-хили	3330	2865	1800	660
5-хили	3110	2685	1800	660
6-хили	2450	2210	1710	660
7-хили	2370	2130	1650	660

2-ИЛОВА

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

I тоннаси учун сўм ҳисобида

Тола хили	Пахта толасининг саноат навлари					
	Сараси	I	II	III	IV	V
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ						
1-хил	15270	14780	14190	9130	6620	4170
2-хил	13910	13410	12930	9130	6620	4170
3-хил	12260	11950	11560	9130	6620	4170
УРТА ТОЛАЛИ						
4-хил	10690	10690	10220	8660	6620	4170
5-хил	9920	9720	9520	8260	6620	4170
6-хил	8270	7870	7590	7200	6620	4170
7-хил	8160	7400	7180	7100	6620	4170

ЭСЛАТМА: Давлат буюртмасидан ташқари etkazиб бериладиган пахта толаси ҳажми шартнома нархларида сотилади.

(Ушбу Фармонга шарҳни иккинчи саҳифада ўқий-сиз).

МАШИНА ТЕРМИИ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

Тошкент вилояти пахтакорлари йилми-термига жадал кирадилар. Барги муваффақиятли тўқтирилган далаларда «зангори кема»лар суза болади. Пахтачи таллаб терим ҳам кун сайин авж олмоқда. Чиноз, Бекобод, Бўна ва бошқа районларда дастлабки қизил нарвонлар қабул пунктлари томон йўл олди. Шу кунларда терим суръати ортиб, режанинг 5-6 фоизи миқдорда ҳосил топирилмоқда.

Мақсадимиз 124 минг гектар ерда етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда териб олишдан иборат, — дейди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси пахтачилик бўлимининг бошлиғи Зокир Махсумов. — Вилоят хўжалиқларида жами 2724 терим машинаси мавжуд. Ҳозирча 600 га оғир машина пахта саноатида қўйилган майдонларга киритилди. Уларнинг иш унуми ёмон эмас: ҳар бир механизатор «пўлат этак»дан кунга 5-6 тоннадан пахта тўқинга эришмоқда.

Йилми-терим тадбиркорлики ёқтиради. Буни яхши ҳис қилган вилоятдаги барча хўжалиқлар мавсумга пахта тайёргарлиги билан келдилар. Гектарлардаги ҳар тул гузда 12-13 тадан бўлиқ кўсан етиштиришга эришилди. Бу 27-30 центнердан ҳосил деган гап.

(ЎЗАТАГ мухбири).

РЕЖА УДАЛАНДИ

«Ўзбекистон овози» мухбиридан. Тўрақўрган райондаги «Тўрақўрган» давлат хўжалиқ маҳкамашида вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топириш йиллик режасини бажардилар. 440 гектар пахта майдонининг ҳар гектардан 18 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Она-Ватанга 740 тоннадан зиёд саноат хом ашёси etkazиб берилди.

Бу муваффақиятда Я. Хотамов, У. Узоқов, К. Сиддиқов, К. Жураев саркорлик қилаётган бригада аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди. Янги пайда хўжалик пахтакорлари ўз имкониятларини намояндалаб кўриб, давлатга яна 760 тонна пахта топириб, янги хирмонини 1500 тоннага etkazиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. МАДАТОВ.

вонлик бўлади. Ана шунда мустақил давлат раҳбарлигининг ҳам бошқаларга гапи ўтадиган бўлади.

Унинг ённдаги жувон: — Шунда биз ҳам акция сотиб оламиз, заводчи бойлардан бирига айланамиз.

«Зарафшон» ресторани бурчабдаги ошхонадан чиқиб кет-



ШОИР ИЖОДИ — ЮКСАК ЎЙЛАР ЧАШМАСИ

УЛУГ ШОИР, МУТАФАККИР ВА ДАВЛАТ АРБОБИ
АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИК
ТУЯИ ТАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

26 сентябрь кун Тошкентда Мир Алишер Навоий адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман очилди. Бу мутафаккир таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантаналарнинг асосий воқеаларидан биридир. Анжуманда нафақат жумҳуриятимизнинг, айна вақтда Урта Осиё жумҳуриятларининг, мамлакатимиз турли ўшаблари, хорижий мамлакатларнинг олимлари, маданият арбоблари, мунажжидлари тўпландилар. Бу урғун Тошкент жамоатчилиги, талаба ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Анжуман очилишида жумҳурият Фанлар академиясининг президенти М. С. Саломқидинов кириш нутқи сўзлади.

Навоий ижоди бугунги кунда ҳам чуқур замонвийлик касб этганини ва давримизга қадимки эҳтиромига эга эканини аниқлашга эришилди. Аниқлашга эришилди ва обр-разлар бизга катта санъаткорнинг юрғи ҳозир ҳам уриб турганини, унинг кудратли ақл-заковати кўнглини эканини, олий иқтидорга, эркин фикрга, инсон ҳақсига содиқ қолганини кўрсатиб турибди. Навоий ўзининг беқиёс гузаллиги ва нафосат оламидан иборат, айна пайтада ўша вақтда Шарқда жуда машҳур бўлган сўз санъатининг барча ҳисси-ҳолда ўзининг юксак мақоратини намоён этди. Кейинги даврдаги ўзбек адабиётига эмас, Урта Осиёдаги бошқа кўнгли халқларнинг шеърини ҳам ўз ривожланишида Навоий ақл-заковати ва бадий ижодийлигини жуда улкан ҳаётий таъ-

сирини ҳис қилди. У шоир, носир, олим, файласуф, мусиқчи, тарихчи, тилчи, меъморчилик билимдон ва унинг ҳомиеси, ранг-тасвир санъатининг, халқ хўнрмандчилигининг раҳнамои, тарбиячи ва дипломат бўлган эди.

Алишер Навоий Хиротда, Хуросон ҳокимининг олий мансабли амалдори, Ғиёсийдин онасида таваллуд топан. У ўша вақтда шайрият ва но-зик сўз санъатининг қисмини ўзига мафтун этуви мўҳитига тушиб қолади. Болалиқдаёқ она тили — туркчадан ташқари форс ва араб тилларини эгаллаб олади. 4 ёшданон унга таълим бера бошлайдилар. Бўлажак шоир дастлабки шеърларини 11-12 ёшда ёзган, турк тилида ёзганларига «Навоий», форсийда ижод қилган

асарларига «Фоний» деб имзо чеккан. Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида аjoyиб тарихий асарлар яратган Хондамирнинг китобидаги далилларга асосланган ана шу гапларни тарих фанлари доктори А. О. Уринов ўз маърузасида айтди.

Кейинги нотиқ — Венеция доктори Европа — Осиё таъриқлари департаментининг раиси, мутахассислиги бўйича форс маданиятининг билимдон Риккардо Зипполи Навоийнинг форс тилидаги меросига тўхтади. Италиялик олим Навоий — Фоний форс шеърини беш ардан кўпроқ ривожланиш тарихини, унинг илғор гувоҳларини умумлаштирилган, Хуросон ва Ироқ ушбуларини мухорира ағаллабна қолмай, яна вақтда ўз асарларини яратганини ҳам таъкидлади. Унинг ағалларидан инсонпарварлик гувоҳлари жуда кучли фидоаланган, гайратли, шижоатли, заковатли инсон мадад этилади. У ўзининг савобли ишлари билан ҳаётга таъсир қилиш, инсонга фойда келтириш учун ҳаракат қилган қадриятини орзу қилди ва шундай қадриятини яратди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК
СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, сањат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Адабиёт, сањат ва меъморчилик соҳасидаги юксак асарлар учун 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўйиладиганга берилсин:

Абдулла ҚОДИРИЙга — Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, Ўзбек миллий романи мактабининг яратгани («Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обит-кетмон» романлари) учун;

Абдулҳамид ЧУЛПОНга (раҳматли) — ўзбек шеърининг ривожлантиришдаги улкан хизматлари («Яна олдим созимни» тўплами) учун;

Абдурауф ФИТРАТга (раҳматли) — Ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий таъқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари («Абулфайзон», «Ҳинд иқтилодчилари» драмалари ва Ўзбек адабиётига оид таъдиқотлари) учун;

Шернат (Шерали) ЖҲРАЕВга — сўнгги йиллар даги концерт-ижрочилик фаолияти учун;

Баҳодир Фазлиддиновга — расом,

Серго Михайлович СУТЯГИНга — бош меъмор,

Саминжон МУЙДИНОВга — халқ устаси,

Мурод Юнусович ФОЗИЛОВга — меъмор — Қўқон шаҳрида қурилган маданият томоша бинолари мажмуаси учун;

Манзар САЛИМга — Ҳиндистон фуқароси, адиб ва таржимон, ўзбек ёзувчиларининг (Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Ғуллом, Зулфия ва бошқалар) асарларини урду тилига юксак маҳорат билан таржима қилгани учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 25 сентябрь.

САМИИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўрқот И. А. КАРИМОВга

Ҳурматли Ислам Абдуганиевич! Биз, миллий маданият марказларининг раҳбарлари Ўзбекистонда яшовчи халқларимиз номидан республика мустақил деб эълон қилинганлиги билан самийий қутлаймиз ва табриқлаймиз. Мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ўтказган миллий сиёсатини тўла-тўқис қўллаб-қувватлаймиз.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ.

дасидан чиқиб муимкин. Енидаги қизга гап маъқуллаб кетаётган рус йигити: — Тезроқ Иттифок шартномасини имзолайлик. Ўзбекистон учун бунадан бошқа йўл йўқ. Россиясиз яшай олмайдим.

Кирил Маркс кўчасида сочларни жонгалак қизининг расмининг чизаётган мусаввар: — ган битта гапимни айтмоқчиман: энг аввало мустақилликка etkazган республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг отсига раҳмат. Ҳамisha тани-жони соғ бўлсин. У малакис яна кўп йиллар мустақилликни тушимизда кўриб юрадик. Ким нима деса десини, аммо озодликка шу киши тур-

«Табани» корпорейшн» (Табани груп оф компани) фирмаси Табани оиласи, Покистон халқи номидан эҳтиром билдириб, республика Президентини жаноб И. А. Каримов орқали Ўзбекистон халқини тарихий воқеа — республика мустақил деб эълон қилинганлиги билан табриқлайди.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг ишонтириб айтганими, халқингизни ва республикангизни қўллаб-қувватлайвера-миз.

Мамлакатларимиз тарихан, маданият, жуғрофий жиҳатдан яқинлигини ҳисобга олиб «Табани» фирмаси Ўзбекистон билан муимкин қадар кўпроқ ҳамкорлик қилиш ниятидадир. «Буюк ипак йўли» мамлакатларимиз орқали ўтган. Даний йилнинг ҳам аҳамияти катта. Бизнинг ишончимиз республикадаги барқарорликка, сизнинг гайратли, юқори малакали раҳбарлигингиз остида сармоя сарфлаш учун нисбатан яхши шароит мавжудлигига асосланади.

Самийий ҳурмат билан
Еқуб ТАБАНИ.

«Табани» корпорейшн» (Табани груп оф компани) фирмаси Табани оиласи, Покистон халқи номидан эҳтиром билдириб, республика Президентини жаноб И. А. Каримов орқали Ўзбекистон халқини тарихий воқеа — республика мустақил деб эълон қилинганлиги билан табриқлайди.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг ишонтириб айтганими, халқингизни ва республикангизни қўллаб-қувватлайвера-миз.

Мамлакатларимиз тарихан, маданият, жуғрофий жиҳатдан яқинлигини ҳисобга олиб «Табани» фирмаси Ўзбекистон билан муимкин қадар кўпроқ ҳамкорлик қилиш ниятидадир. «Буюк ипак йўли» мамлакатларимиз орқали ўтган. Даний йилнинг ҳам аҳамияти катта. Бизнинг ишончимиз республикадаги барқарорликка, сизнинг гайратли, юқори малакали раҳбарлигингиз остида сармоя сарфлаш учун нисбатан яхши шароит мавжудлигига асосланади.

Самийий ҳурмат билан
Еқуб ТАБАНИ.

ИЛГОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Машинасозлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1991 йил 27 сентябрдаги Фармони билан саноат корхоналари илғор ишчилари ва хизматчиларининг катта гуруҳи республика Фахрий ёрликлари ва Фахрий унвонлари билан тақдирланди.

(Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномасида тўла эълон қилинади).

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИННИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси 1991 йил 30 сентябрь кунини соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 29 сентябрь кунини эрталаб соат 9.00 дан то кеч 18 га қадар, 30 сентябрь кунини эрталаб соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати мажлислар зали-9.00 дан то кеч 18 га қадар, нинг фойеида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 30 сентябрь кунини соат 9.00 да бўлади.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

Гулистон. Кеча бу ерда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг VIII сессияси бўлиб ўтди. Вилоят табиатини муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси И. У. Қўчқоров «Вилоятда экологик аҳвол ва уни янада яхшилаш чораларини тўғрисида» маъруза қилди.

Сессияда вилот бўйича 2005 йилгача даврда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури ҳамда вилот табиатини муҳофаза этиш қўмитасининг итими тасдиқланди. Халқ депутатлари вилот Кенгашининг раиси А. Айдарқулов, жумҳурият табиатини муҳофаза этиш қўмитасининг раиси А. Ш. Қабибуллаев нутқи сўзлайдилар.

О. ШОНҚУЛОВ.

• Чорраҳадаги суҳбатлар

ҲАР КЎНГИЛИНИНГ ЎЗ НАВОСИ БОР

лаётган мўйовли янги кишидан бири:—Шаҳрингизда меҳмонимиз. Мен Чоржўйдан, фамилиям Чориев. Кема ремонт заводида слесарман. Шериким Нукусовдан, мактаб ўқитувчисин. Фамилияси Мешариф Бекжонов... Аввало мустақиллик билан табриқлаймиз. Қарамликда ёту асал оғандан, озодликда қаттиқ нон еган маъқул. Зап иш қилдиларини ўзи. Тақлифимиз! Қўшини беш республика янада яқинлашсин. Чунки, тили, дини, урф-одати бир хил бўлган халқларимиз яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам бир-бирини албатта қўллаб-қувватлайди, қиналғудай бўлса, қўлдан келган ёрдамнинг аямайди. Ҳа, шундай.

Мустақиллик! Қени ўша мустақиллик! Аслида йўқ нарсани сураб нима қиласиз ака. Болчи қорозда бордур, бироқ амалда қўрмайман. Яхшиси вақтинча олам.

Суратини чиздираётган жингалек сочли қиз: — Вой амаки-ёғ, одамларнинг вақтинчи олиб нима қиласиз. Е қиладиган бошқа шинингиз йўқми?

Сўзбатилаш кетаётган қариялардан бири: — «Қайси гапга зетадансиз, ўлим! «Ўзбекистон овози» Бу —илгариги «Совет Ўзбекистони» эмасми? Номин ўзгариб, бунинг устига мустақил бўлиб олгани зап иш бўлди-да. Табриқлайман... Мен ҳам асли ҳамшишал газетхонларингиздан бириман. Яхши иш қилдинглар... Илоҳим бера-ка топинлар... Ҳўш, ҳозир нима деб савол бергандингиз? Мен унга ўзимдан чиқариб ердан чиқсин дегани. Аҳиллик бор ерда ҳамма ишнинг уд-

Мешариф Бекжонов: — Бизда овизбирлик бўлсин, деган гап бор. Янги, аҳиллик, биродарлик бўлсин, гапимиз бир ердан чиқсин дегани. Аҳиллик бор ерда ҳамма ишнинг уд-

файли эришганимизни сира-сира эсдан чиқармайлик. Лекин менга, сенига ўхшанган одадил одамлардан ҳафа. Ҳа, болам, унинг атрофидagi одамлардан ҳафа. Негаки, кеча-кундуз халқини деб жонини жабборга бераётган Президентимизни эҳтиёт қилишмайпти, урғинтириб қўйишяпти. Москваданми, бошқа жойларданми, унга тош отувчилар қўлайиб кетди. Газеталарда танқид устига танқид. Мустақилликка етишганимизни кўришолмайди-да. Е гапим нотўғрими! Шуларнинг ҳақмасига Президентимиз Бекжоновдан бўлиб турибди. Би-

...Мен ким билан сўзбатилашган ва улар инимани айтган бўлишига, гапларини сира ҳам ўзгартирмай, шундайлигича оқиди кўчрдим. Фақат суза тилдан адабий тилга айлантирдим, холос. Бир зулмлик сўзбатилашларини таълиф ва фирм-мулоҳазаларининг қайси бири маъқул бини номмақул эканлиги эса муштарийлар ҳукмига ҳавола. Хатларингизни кутамиз.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



550 НАВОИЙ РУҲИ МАДАДКОР

вий кувин остида яшаб ижод қилдилар, рағбат ўрнига нуҳул кудрат чекдилар. Бу ҳам озил қилгандай, уларнинг кўпи ўттинчи йилларнинг қатағонларида қамоққа олиниб, минг қийноқлардан сўнг маҳв этилди.

Ленин виждонли кишиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратларнинг номларини ҳеч қачон унутган эмас; асарларини эса, юрак қатларига сақлаб, ёруқ кунларга етказиб келган элдошларимиз боз. Оғир алғовларғо йилларда «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби аjoyиб китобларини ёзган ва ўзбек миллий романтик мақтабини яратган Абдулла Қодирий расмий доиралар томонидан нуқул таъна-дашом эшитиб, таъқиқ ва қароқ жазоларига маъмуқ этилган эди. Энг узун йлдо нечасининг ҳам охири бўлганидек, А. Қодирий, айниқса унинг салафлари бўлган Чўлпон ва Фитратларга нисбатан қирқ-элик йиллаб давом этиб асосиз, мангич-эси айбонлар сўнгги йилларда адоий тамом қилди. Ўзбекистон мустақиллиги йўлида қалам билан мардона курашиб ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитратлар бу йил — мустақилликка эришган йилда маддоқ

да ёъзога муносиб эди. Янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаг Ўзбекистон Давлат мукофотлари Президенти Фармон билан аввало шу уч улкан сиймога берилиш катта адолатнинг тантаъиси тарзида ҳаммамизнинг беҳад қувонтириди.

А. Қодирий, Чўлпон ва Фитрат фақат ёзувчи эмас, балки бутун маданиятимиз ва санъатимиз равиқига меҳнатлари синган халқ фарзандлари эди. Уларнинг учови ҳам драмалар ёзиб, театр санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган. Алишер Навоий ижодини таъдиқ ва тарғиб қилиш ишини ҳам йигирманчи йилларда Фитрат ва Чўлпонлар бошлаб берганлар. Уларнинг барҳа-ғи руҳи Алишер Навоий юблейининг энг муътабар иштирокчилари қаторидан ўрин олишга муносибдир.

Алишер Навоийни ҳозир бутун жаҳон билади. Шунинг учун унинг номидаги Давлат мукофоти ҳам жаҳон миқёсига чиққанлиги табиий ҳолдир. Ўзбек адабиётининг бир қатор мумтоз ёзувчилари асарларини урду тилига юксак маҳорат билан таржима қилган Хиндистон адиби Манзар Салим Алишер Навоий мукофоти билан таъдирланганлиги бизнинг халқ-

аро ижодий ҳамкорлигимизни янада тез ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳодиса бўлди.

Бугунги Ўзбекистоннинг санъат усталари орасида Шерали Жўраевнинг алоҳида ўрни бор. Фақат бизда эмас, қўшни жумҳуриятларда ва чет элларда унинг энг яхши қўшиқлари катта шўҳрат қозонгандир. Фақат куй танлашдагина эмас, қўшиқ матнини танлашда, унга ижодий ёндашишда ва ҳар бир сўзни юракка «жиъ» этиб тегадиган даражада ҳароратли қилиб айтишда Шерали Жўраев ўзига хос бир мактаб яратди. Алишер Навоий ижодини қўйга солиб ижро этиш маҳорати жиҳатидан ҳам Шерали Жўраев энг олдинчи сафни, эгаллаган санъат-корлардан. Шунинг учун Шерали Жўраевга Алишер Навоий мукофоти берилиши унинг юз минглаб мухлисларини беҳад шод қилишига ишонамиз.

Баҳодир Жалолов тасвирий санъатда, Серго Сутягин меъморчилик соҳасида катта истеъод ва маҳорат билан меҳнат қиладиган ижодкорлар экани кўпчиликка маълум. Уларнинг асарлари фақат Ўзбекистонда эмас, Хиндистонда, Америкада, Голландияда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам

юксак баҳо олмақда. Жумҳуриятимизнинг қадимий маданият марказларидан бири бўлган Қўқон шаҳрида бу ижодкорлар халқ устаси Самийжон Мўйдинов ва фарғоналик меъмор Мурод Фозилов билан ҳамкорликда яратган театр биноси ва Ҳамза музейи матбуотимизда ҳам, дунёнинг турли мамлакатларидан келган мактубларда ҳам юксак баҳоланди. Қўқондаги бу меъморчилик ва мусаввирлик асарига Алишер Навоий мукофоти берилиши барча вилоятлардаги санъат намояндларини янги улкан ижодий жасоратга ундайди, деган умиддамиз.

Мустақил Ўзбекистон давлати ўз ижодкор эътилофларини қўллаб-қувватлашда ва уларнинг энг яхши асарларини таъдиқлашда улғу Алишер Навоийнинг саховатли анъаналарини давом эттирмоқда. Ишонимизки, ижодкор эътилофларимиз халқпарварликда, ватанпарварликда, маърифатли давлатнинг ишларида қўмақлашишда Алишер Навоий номига муносиб гайрат, шижоат ва фидойилик билан меҳнат қиладилар.

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикасининг адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитасининг раиси.



Олмалик гилам фабрикаси халқ эътиборига яраша махсулот ишлаб чиқариш учун барча имкониятларини ишга солимоқда. Утган йилги режани 102 фоиз бажарган меҳнат жа-

моиси бу йил аҳолига 4.100 миң метр квадрат гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ниётида.

звено бошлиқларидан бири Абдулла Холметов гиламдўз Сайёра Маметова билан иш сифатини кўздан кечиримоқда.

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг 18 сентябрь куни Тошкентда республика, марказий ва чет эл журналистлари учун ўтказган матбуот конференцияси жумҳуриятимиздагина эмас, балки хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Американинг «Озодлик» радиостанцияси Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг матбуот конференцияси ҳақидаги хабароти эшиттирди.

— Матбуот конференциясида гап, — деди шу радиостанциянинг муҳбири Тойир Усмон, — 16 сентябрда Англияннинг «Индипендент» ва «Файнстайл таймс», Франциянинг «Фигаро» рўнома-лари муҳбирлари, АҚШнинг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги вакилига Ўзбекистон Республикасининг Президенти берган интервьюни «Известия» газетаси буюб талқин қилганлиги устидан борди. Боз устига, «Ассошиэйтед пресс» агентлиги томонидан юборилган шу интервью баёнини мажмур рўнома ўзининг 18 сентябрь сонидан «Президент хабароти» унинг республикасининг демократияга тайёр эмас» деб янвоғарлик мақсадидан ўйлаб топилган сарлавҳа билан босиб чиқарилган, унда инглизча асидан бир неча муҳим жумлаларини атайлаб тушириб қолдирган.

кейин совет ҳарбий кучларига хизматга қақриладиган ўзбек аскарларини ўз назорати остига олиши орали жумҳурият худудида бўлаётган совет ҳарбий фаолиятларининг биргаликда назорат этилиши ва бошқарилишини истамоқда...

Утган ойда Москвада юз бериб, муваффақиятсиз тугатган давлат тўнтарыши қарақатидан кейин марказнинг жумҳурият билан бўлган муносабатидан катта ўзгаришлар рўй берди. Шундан сўнг Москва мамлакатда аҳоли сони жиҳатидан Россия ва Украинадан кейин учинчи буюк жумҳурият бўлган Ўзбекистон раҳбариятига эътибор бериб, унинг талаб-истакларига қўлоқ солишга мажбур бўлди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Мақамаси Раисининг уринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

Матбуот конференциясида Ислам Каримов мақолади: «Ўзбекистон Президентининг Горбачевнинг сиёсий ислохотларини амалга оширмаслигини айтиди», деган жумлани уйдирма деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикасининг шу кунларда тайёрланаётган янги Конституцияси билан 1992 йилнинг биринчи ярмида парламент ва президент сайлови ўтказилишини таъкидлади.

Президент Каримовнинг айтишича, гарчи ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлар каби унинг жумҳурияти ҳам Иттифок таркибидан бутунлай ажралиб кетишни истамас-да, лекин келажикда қурилмаган янги бир конфедерация таркибидagi ҳар бир жумҳуриятнинг тенг овоз бериш ҳуқуқини танлиши зарур. Яъни бундан мақсад — бир жумҳуриятнинг бошқаси устидан ҳоким бўлишга ҳеч қачон йўл қўймасликдир.

Президентнинг таъкидлашича, марказий рўноманинг бу кирдиқори унинг Ўзбекистон мустақиллигига қарши биринчи хуружи эмас. Шу рўноманинг атиги 4 кун аввалги, 14 сентябрь сонидан босилган «Ўзб қўйилган вагон» мақоласи ҳам СССР деган поезддан ажралган Ўзбекистонда ҳуррият, демократия ва ошкоралик борасида республика раҳбарияти таъкид қилган эди.

Матбуот конференциясида Ислам Каримов мақолади: «Ўзбекистон Президентининг Горбачевнинг сиёсий ислохотларини амалга оширмаслигини айтиди», деган жумлани уйдирма деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикасининг шу кунларда тайёрланаётган янги Конституцияси билан 1992 йилнинг биринчи ярмида парламент ва президент сайлови ўтказилишини таъкидлади.

Президент Каримов яна давом этиб, Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон фақат хом ашё тайёрлаш манбаига, айниқса, пахта етиштириб бериш майдонига айлан-тирилганлигини айтиди. Совет Иттифоқидан олинаётган умумий пахтанинг учдан икки қисмини Ўзбекистон етиштириди. Бугунги кунда пахта ва шу наоб бошқа хом ашёлар нархини ўзгартиришни Ўзбекистон халқи ва ҳукумати қаттиқ талаб қилмоқда.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Президенти бу гапларни рад этиб, 21 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистоннинг моддий аҳолиси жуда оғир эканлигини, бундай шароитда бемор иқтисодий бериш бериш аумда даволлаш

Президент Каримов яна давом этиб, Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон фақат хом ашё тайёрлаш манбаига, айниқса, пахта етиштириб бериш майдонига айлан-тирилганлигини айтиди. Совет Иттифоқидан олинаётган умумий пахтанинг учдан икки қисмини Ўзбекистон етиштириди. Бугунги кунда пахта ва шу наоб бошқа хом ашёлар нархини ўзгартиришни Ўзбекистон халқи ва ҳукумати қаттиқ талаб қилмоқда.

Президент Каримов яна давом этиб, Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон фақат хом ашё тайёрлаш манбаига, айниқса, пахта етиштириб бериш майдонига айлан-тирилганлигини айтиди. Совет Иттифоқидан олинаётган умумий пахтанинг учдан икки қисмини Ўзбекистон етиштириди. Бугунги кунда пахта ва шу наоб бошқа хом ашёлар нархини ўзгартиришни Ўзбекистон халқи ва ҳукумати қаттиқ талаб қилмоқда.

ШОИР ИЖОДИ-ЮКСАК ҲАМ ҲАМ ҲАМ ЧАШМАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар Навоийнинг Хиротда яшаган даври ҳақида гапирди. Мамлакатимизда ун бешинчи аср иккинчи ярмида адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаши умуман Навоий номи билан боғлиқ эканини фахр билан гапириб юришди. Ҳозир шаҳарда унинг номида мактаб, тарих музейи, дорифунун, маданият ва истироҳат боғи, театр бор, Мир Алишер ўз ғазалларини тўқиган ва ўқиган боғ ҳам сақланиб қолган. Навоийнинг бу ерда яратилган иккита девонини ҳиротлик хатотлар Али Нур, Абдуҷамол Қотиб ва Султон Маҳмаднинг кўчирган эдилар. Бу девонлар муаллифининг асл нуҳсандан кўчирган машҳур «Хамса» қўлямаси билан биргаликда Тошкент Шарқшунослик илмгоҳига топширилди. Кабир Ранжбар яқинда Қобул шаҳрида чиқарилган «Хамса»нинг янги наشريни ўзбекистонлик олимларга совға қилди. У буюк сўз устаси маънавий меросини таъдиқ этиш юзасидан Афғонистонда қабул қилинган ўн йиллик дастур рўёбга чиқарилаётганини маълум қилди.

Ўгираоладиган озчиликни ташкил этадиган таржимонларнинг берибди. Нотик ўз нуҳида Алишер Навоий ғазалларини рус тилига таржима қилиш усуллари, унинг Фас, Баллом, Брюсов, Кузмин ижодига таъсири устидан тўхтади.

Куллиётда ўзбек тили ва адабиёти бўлимига раҳбарлик қилган, мутафаккир тўғрисидаги видеофильмлар намойиш этилди, маърузалар ўқилди, хозирги замон ўзбек шоирлари, носирлари билан учрашувлар бўлди. Вашингтон дорифунунининг профессори Илза Лейде Сиртаутас ана шулар ҳақида гапирди. У Шарқ халқлари тиллари ва маданиятини ўрганиш



СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан бир гуруҳи.

А. ГОРОКРИК суратга олган [УЭТАГ].

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, УЭТАГ муҳбири.

ЎЗЛИГИНГ АНГЛАМОҚ ДАВРИ

адиб қахрамонлари — Дилором, Фарҳод, Ширин, Лайли исми-шарифлари кўнайлгандан оналар беҳад ифтихор туйғуларига тўлиб тошдилар.

ни севишини, ҳаётни ардоқлашни ўргатаман деган ранго-ранг таърифларнинг поёни йўқ эди...

баҳо хазина экани қайта-қайта таялди олинди. Фарангларимиз буюк қадриятларимиз, алломаларимиз ўғитларидан қанчалик кўп ва хўн баҳраманд бўлсалар, мунчаллик бақувват, фийр-оилари тиниқ ва чуқур бўлади, дедилар.

БЕБАҲО МУЛК ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкентда 26 сентябрь куни буюк даҳо, сўз мулинининг сулуғи Мир Алишер Навоий номи билан аталувчи музей очилди.

ерга жуда кўп одам тўпланди. Музейнинг очилишига бағишлаган мингнинг бўлди. Митингдан шoir тўйи тантаналарида иштирок этаётган Тожикистон Фанлар академиясидан Абдуқўлир Жуманов, озор олими, филология фанлари доктори Жаннат Нағиева, Туркия олими Камол Арслон ҳамда Қозоғистондан келган олим ва

шоир Утиген Қумусоевлар ҳам сўзга чиқиб, Навоий биринчи ўзбек шоири эмас, балки бутун ўрта Осиё халқларининг ҳам севилиб мутафаккири эканлиги ҳақида гапирдилар.

ТУРКИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН СУХБАТ

Туркия фирмалари билан ўзаро манфаатли асосда савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш ҳақида амалий суҳбат бўлди. Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги жумҳуриятимиз билан Туркия ўртасида ана шу алоқаларни йўлга қўйиш ва уларни таъдиқ этишни учун иконтинентлар ўртасида келганли-

ги таъкидланди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида мутахассислар айирбошлаш, Анқара ва Стамбул билан Тошкент шаҳрини бирдорлаштиришни тезлаштириш, Стамбулда Ўзбекистоннинг маданияти ва ахборот ўйини, Тошкентда эса Туркиянинг савдо ўйини, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳаво йўллари оқини, темир йўл қурилишини бошлаб юбо-

риш, Ўзбекистонда саноат корхоналари барпо этиш, маданият, матбуот ҳамда телекўрсатувлар ва радио-эмиттерлар соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Мақамаси Раисининг уринбосари Ў. Қ. Исмоилов, П. Нўрмонов, Б. С. Хамидов, Т. Я. Шарипов, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Фалсафий мушоҳадалар, куй-қўшиқларга уланди. Санъаткорларнинг чиқинчи, мушоира, ҳазил-мутойибдан кўнгириллар яйраб, ҳордиқ олди.

Ингилишлар бу анжумани уюштирган шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига миннатдорчилик билдирдилар.

П. НИШОНОВ, УЭТАГ муҳбири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Пахтакорнинг меҳнати қай даражада оғирлиги ҳаммага маълум. Яқин ўтмишда ана шу қимматбаҳо эканини етиштириш ва йиғиштириб олиш билан машғул бўлган қишлоқ меҳнаткашлари моддий манфаатдорлигини ошириш масалаларига етарли эътибор берилмасди. Моддий рағбатлантиришни жori этиш натижасида етиштирилган бутун ҳосилни юқори сифатли қилиб қисқа муддат ичда териб олиш имконини берган ўтган йили бу борада дастлабки илҳодий қадам ташланди.

Бошланган иш бу йил давом эттирилди: республика ҳукуматининг қарорига кўра, ҳозир қўлда терилган бир килограмм пахта хом ашёси учун қамда 40 тинки, машинада терилган бир тонна хўш эл қамда 25 сўм тўланмоқда. Республикаимизнинг айрим хўжалиқлари ва районларида бугунги кунда меҳнатга бундан ҳам юқорироқ ҳақ тўланмоқда.

Шу билан бирга бозор муносабатларининг жori этилиши нарх белгилаш, шу жумладан қишлоқ хўжалиғида нарх белгилаш масалаларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этди. Мухим шунданки, унинг асосий тармоғи пахтачиликда ана шу иш амалга оширилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Мақамаси қарор қабул қилди, унда 1991 йил ҳосили пахта хом ашёси қарид нархларини ва тала улгуржи нархларини ўрта ҳиссбда 50 фоиз ошириш назарда

